

# Халқ сўзи

ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 17 январь, № 11 (5431) Сешанба

**Поль Роск:**

## «Европаликларнинг Ўзбекистонга қизиқиши бундан кейин ҳам кучайиб бораверади»

*Бельгиянинг Лювен шаҳридаги “Brabant Hall” кўргазмалар марказида ҳар йили ташкил этиладиган анъанавий “Hobo Reisen” сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. Жаҳоннинг 40 дан зиёд мамлакати вакиллари қатнашган мазкур халқаро тадбирга бир куннинг ўзида БЕНИЛЮКС давлатларининг 10 минг нафардан ортиқ аҳолиси ва меҳмонлари ташриф буюрди.*

### Эътироф

Мазкур ярмарка иши доирасида мамлакатимизнинг Бельгиядаги дипломатия миссияси кўмагида Ўзбекистон Республикаси сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти уюштирилди. Юртимизнинг гўзал табиати, қадимий ва бетакрор шаҳарларимиз бағрида жойлашган ноёб маданий-тарихий ёдгорликлар тўғрисида атрофлича тасаввур уйғотадиган ранг-баранг суратлар, шунингдек, ўзбек халқ амалий санъати буюмлари ҳамда республикамизнинг бой сайёҳлик салоҳияти хусусидаги турли ахборот материаллари ушбу ярмарканинг махсус бўлмасида ташкил қилинган суратлар кўргазмасидан жой олди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон халқининг тарихий-маданий мероси, меъморий ёдгорликлари, шунингдек, юртимизнинг турли соҳаларда, жумладан, сайёҳлик индустриясини такомиллаштириш борасида эришган муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди.

БЕНИЛЮКС мамлакатлари вакиллари томонидан 2012 йили Ўзбекистон бўйлаб уюштириладиган саёҳатларда иштирок этиш истаги билдирилган дастлабки буюртмалар олинганини юртимизнинг мазкур халқаро тадбирдаги иштирокининг амалий натижаси бўлди, дейиш мумкин.

**“Hobo Reisen” сайёҳлик компанияси раҳбари Поль Роск** Ўзбекистон хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, мамлакатимиз бўйлаб саёҳат унда унутилмас таассуротлар қолдирганини ёдга олди.

— Мен юртингизга илк маротаба 1971 йили борган эдим, — деди у “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида. — Кейинги сафарларим чоғида Ўзбекистон ўзининг 20 йиллик мустақил тараққиёти мобайнида шу қадар ўзгариб кетганидан бениҳоя ҳайратландим. Бугунги халқаро ярмарканинг ўзи ҳам БЕНИЛЮКС мамлакатлари аҳолиси ўртасида Ўзбекистонга бўлган қизиқиш нақадар катта эканлигини исботлаб турибди.

“Hobo Reisen” компанияси раҳбарининг фикрича, “Бугунги кунда кўплаб европаликлар Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистонни — соҳибқирон Амир Темурга бешик бўлган юртни, унинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз сингари кўҳна ва навқирон шаҳарларини яхши биладилар. Негаки, Шоҳи Зинда, Гўри Амир, Регистон сингари обидалар Шарқнинг том маънодаги қадамжолари саналгани ҳолда, бутун дунёни ўзига мафтун этган”.

— Фурсатдан фойдаланган ҳолда шуни таъкидлашни истар эдимки, бугунги мустақил Ўзбекистон — жуда ажойиб ва гўзал мамлакат, — деди у. — Юртингизда тинчлик ва фаровонлик ҳукм сурмоқда. Нафақат бетакрор меъморий ёдгорликларни, балки очиққўнгил ва меҳмондўст ўзбек халқини ҳам ўз кўзи билан кўришни, яқиндан билишни истовчи европаликлар кўплигига аминман. Шунингдек, юртингиз ажойиб иқлим шароитига ҳам эгадир. Қуёшли ўлкангизда етиштириладиган ширин-шакар мевалар, ўзбек миллий таомлари ҳам хорижлик сайёҳларни ўзига жалб этади.

П. Роскнинг ишонч билан айтишича, Ўзбекистонга бўлган қизиқиш европаликлар ўртасида бундан кейин ҳам кучайиб бораверади. “Самарқанд — Шарқнинг Парижи, Бухоро — ноёб маърифат маркази, Хива эса ажойиб эртакмонанд шаҳардир”, деди у.

**«Жаҳон» АА.**
Бельгия, Лювен

### Анжуман

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бўлиб ўтган тадбир Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини ўрганишга бағишланди.*

## ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Унда мазкур китоб мустақил мамлакатимиз тарихи ҳақидаги муҳим манба эканлиги алоҳида таъкидланди. Ёшларимизда бугунги фаровон ҳаётимизни қадрлаш, юртга масъуллик ҳиссини кучайтириш, истиқлолимизни асраб-авайлаш каби туйғуларни шакллантиришда ушбу асарнинг ўрни беқиёс. Тадбир қатнашчилари масаланинг ана шу жиҳатларига эътибор қаратдилар.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар мустақилликка ўз-ўзидан эришилмаганлиги, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда Юртбошимизнинг оқилона сиёсати катта аҳамият касб этганлиги хусусида тўхталдилар.

Анжуманда Президентимиз раҳнамолигида Оролбўйида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, ёшларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароит яратилганлиги ҳам эътироф этилди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЮКСАК ИШОНЧ, УЛКАН МАСЪУЛИЯТ



*Мустақиллик халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган энг улуғ, энг азиз неъматдир. Президентимизнинг жасорати туфайли биз ана шу неъматдан баҳраманд бўлиб, эзгу ниятларимиз, орзу-интилишларимиз рўёбини кўраяпмиз, ҳаётимиз тобора фаровонлашиб, келажакка катта ишонч билан қадам ташлаяпмиз.*

### Ғурур

Шу боис ҳам файзли дастурхон атрофида, турли учрашув ва давраларда беқиёс ўзгаришлар бот-бот тилга олинади, мустақиллик берган имкониятлар ҳақида тўлқинланиб гапирилади. Кексаларимиз қўлларини дуога очганда, “Тинчлигимизга, осойишталигимизга кўз тегмасин, шундай тарихий ишларнинг бошида турган Юртбошимиз соғ-омон бўлсинлар”, дея ният қилишади.

Таъкидлаш жоизки, сизу бизнинг бугунги хотиржам, осуда ҳаётимиз Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда ҳимоя қилинмоқда. Бундай шарафли ва масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этаётган, тараққиётимиз барқарорлигига камарбаста бўлаётган ўғлонларимиз эса ҳар қанча эъзозга, эътиборга лойиқдирлар.

Айни кунларда мамлакатимизда Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланмоқда. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг мазкур сана муносабати билан йўллаган байрам табриги барча юртдошларимиз қалбига чексиз ғурур ва ифтихор ҳиссини бахш этди. Мустақиллик йилларида миллий армиямизни шакллантириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда уларнинг самаралари ҳақида атрофлича сўз юритилиб, ушбу йўналишда бошланган ишларни изчил давом эттириш бўйича қилиниши лозим бўлган энг муҳим устувор вазифалар белгилаб берилган мазкур табрик ҳамюртларимиз томонидан катта қувонч билан кутиб олинди. Буни уларнинг дил сўзларидан ҳам илғаш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

### Яхши хабарлар

*Чуст шаҳрида “Chust-Avtotexxizmat-N” масъулияти чекланган жамиятининг автомобилларга техник хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган янги сервис маркази иш бошлади.*

## Янги сервис маркази

Мажмуа Жанубий Кореядан келтирилган сўнгги русумдаги диагностика ва таъмирлаш воситалари билан жиҳозланган. Ҳозир бу ерда “GM-Uzbekistan” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган барча турдаги автомобилларга кафолатли техник хизмат кўрсатилмоқда.

70 киши иш билан таъминланган ушбу марказни бунёд этиш учун банкнинг 2 миллиард сўмлик кредитидан фойдаланилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Бугун металлургия ҳамда қурилиш саноати корхоналарида мустаҳкам пўлат ва чўяндан тайёрланадиган эҳтиёт қисмларга талаб юқори.*

## Ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда

Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, Бекобод шаҳрида “Чўян-пўлат қуйиш сервис” хусусий корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозир бу ерда цемент заводлари учун хом ашё майдалашда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар тайёрланмоқда. Лойиҳа қиймати 277 миллион сўмлик мазкур корхонада буюртма асосида ойига 150 тонна қуйма механизмлар ишлаб чиқарилаяпти. Шу билан бирга, корхонада “Ўзметкомбинат” корхонасига шу пайтга қадар четдан келтириладиган редуктор ва насос мосламалари, чўян қопқоқлар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилмоқда.

Бекобод шаҳрида 2011 йил мобайнида кичик корхоналар ташкил этиш ҳисобига 2 минг 190 та иш ўрни яратилди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА САМАРАДОРЛИК



### Модернизация

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини изчил ошириб бориш иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.*

Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг низом жамғармасидаги давлат улушини камайтиришга, уларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Урганч шаҳридаги “Хоразм ипаги” масъулияти чекланган жамиятида олиб борилаётган ишлар бунга яққол мисол бўла олади. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги “Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талабларидан келиб чиқиб, “Хоразм ипаги” корхонасининг 30,3 фоизлик давлат улуши ва активларини инвестиция киритиш эвазига инвесторга бепул бериш белгиланган эди. Ўтказилган тендерда сармоядор Ш. Ҳалимов мазкур корхонага 410 миллион сўм миқдорида маблағ киритиш ҳисобига танлов ғолиби бўлганди. Ўтган вақт мобайнида у зиммасидаги мажбуриятни белгиланган муддатда бажариб, ишлаб чиқариш субъекти фаолиятини қайта жонлантирди.

(Давоми 2-бетда).

### Тадбир

*Истиқлол ҳақида сўз юритганда унинг ҳар бир куни, ҳар бир лаҳзаси қадрли, дея кўп бора такрорлаймиз. Бу бежизга эмас, албатта. Негаки, мустақиллик туфайли азалий одатларимиз, миллий анъана ҳамда қадриятларимиз қайта тикланди. Аждодларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, муқаддас қадамжолар обод қилинди. Одамларимизнинг фаровонлиги юксалиб, эртанги кунга бўлган ишончи мустаҳкамланди.*

## ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗГА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Эътиборлиси, бу эзгу ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Мана шундай тинч ва осуда ҳаётнинг қадр-қимматини билиш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳамда мустаҳкамлаш нақадар муҳим эканини шу азиз диёрда яшаётган ҳар бир ватандошимиз қалбан чуқур ҳис қилади.

Ҳар гал энг муқаддас ва мўътабар масканларимиздан бири — Мустақиллик майдонига қадам қўяр эканмиз, хаёлимиздан беихтиёр ана шу фикрлар ўтади.

Мамлакатимизда миллий байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланмоқда. Ана шу сана муносабати билан 14 январь куни пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида тинчлик ва осойишталигимиз посбонлари саф тортдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янгради.

Тадбир иштирокчилари — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси вакиллари истиқлолимиз, фаровон ва осуда ҳаётимиз тимсоли бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

**Ш. ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Кичик бизнеснинг катта улуши

Бир рақам шарҳи

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётган кишилар мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг

**74 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда.**

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан кичик бизнес ривожига қаратилган истиқболли дастурларнинг ҳаётга изчил татбиқ қилинаётгани натижасида кейинги йилларда бу соҳа жадал тараққий этиб, ички бозорни зарур маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлашда асосий манбага айланди.

### Қисқа сатрларда

*• Қумқўрғон тумани марказида 11 павильон ва 96 та турғун савдо нуқтасидан иборат замонавий хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган мазкур мажмуада сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликлар яратилиб, 50 кишининг иш билан бандлиги таъминланди.*

*• Жиззах шаҳридаги 1-оилавий поликлиникада Мустаҳкам оила йилига бағишлаб давра суҳбати ташкил этилди. Шифокорлар, маҳаллалар оқсоқоллари, “Соғлом авлод учун” жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашган мазкур тадбирда оилалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни вояга етказишда тиббиёт муассасаларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.*

*• Мирзаобод туманининг Пиллакор қўрғонида автомобилларга газ қуйиш шохобчаси ишга туширилди. “Сирли оқшом таровати” масъулияти чекланган жамиятига қарашли ушбу мажмуа бир кеча-кундузда 300 автомобилга хизмат кўрсатиш қувватига эга. Ҳозир бу ерда 20 киши меҳнат қилмоқда.*

## Сурур

*Тинчлик — бебаҳо неъмат. Зеро, осойишта юртгина тараққий этади. Буни яхши англаган мард ва жасур ўғлонларимиз мамлакатимиз хавфсизлиги ҳамда барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашни ўзларининг энг муқаддас бурчи, деб билмоқдалар. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан жойларда бўлиб ўтган байрам тадбирларида ҳам ушбу жиҳатлар яна бир карра эътироф этилиб, юксак масъулиятли вазифага муносиб ҳисса қўшаётган аскар ва сержантлар, фидойи офицерлар шарафланди.*

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Хусусан, **СИРДАРЁ**да байрам иштирокчилари эрта тонгдан Гулистон шаҳридаги "Хотира майдони"да жам бўлдилар. "Мотамсаро она" монументи пойига гулчамбарлар қўйилди. Шундан сўнг Олим Хўжаев номидаги вилоят драма театрида тадбирнинг асосий қисми бўлиб ўтди. Бу ерда ташкил этилган тантанали маросимда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларимизни ташкил этиш, унинг куч-қудрати ва салоҳиятини ошириш борасида ҳаётга татбиқ қилинган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда уларнинг самаралари хусусида атрофлича сўз юритилди. Ватан ҳимоясини олий мақсад деб билган бир гуруҳ ҳарбийлар, осойишталигимиз посбонларига "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" эсдалик нишонлари топширилди.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон **САМАРҚАНД**да байрам тадбирлари Амир Темур мақбараси зиёратидан бошланди. Вилоят ҳокимлиги, мудофаа, ички ишлар ва фавқулодда вазиятлар бошқармалари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари соҳибқирон Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Самарқанд шаҳридаги концерт залида ўтказилган тантанали маросимда профессионал асосдаги миллий армиямизни шакллантириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун яратилаётган кенг имконият ва шарт-шароитлар тилга олинди. Маросимда бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда соҳа фахрийлари тақдирланди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида армия хизмати том маънода мардлик ва матонат фазилатларини тарбиялаш, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабига айланиб бораётгани қайд этиб ўтилди. **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**да ўз хизмат бурчини ўтаётган ўғлонларнинг интеллектуал салоҳияти, жисмоний ва маънавий қобилиятини кўриб, бунга яна бир карра амин бўлиш мумкин. Улар орасида давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган, Қуролли Кучларимиз тизимида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган турли кўрик-танловлар ғолиблари ҳам бор.

Байрамнинг асосий тадбирлари Бердақ номидаги мусиқали театрда бўлиб ўтди. Тантанали маросим концерт дастури билан якунланди.

**НАМАНГАН** шаҳридаги Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма театрида қутлуғ санага бағишлаб ташкил этилган тантанали кеча, айниқса, унинг иштирокчилари ёдида узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди. Тадбир чоғида бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" эсдалик нишони ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шунингдек, байрамга бағишланган тантаналар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам кўтаринкилик билан ўтди. Наманган шаҳридаги "Хотира майдони"да ташкил этилган тадбирда эса "Мотамсаро она" ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилиб, Ватан озодлиги учун жон фидо этган аждодлар хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам кўтаринки руҳ, юксак савияда ташкил этилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЮКСАК ИШОНЧ, УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Одилжон ЖЎРАЕВ, "Содиқ хизматлари учун" медали соҳиби, подполковник:**

— 20 йил. Тарихан шу қисқа давр ичида Юртбошимиз бошчилигида барча соҳалар қатори мамлакатимиз мудофаа қудратини юксалтириш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Натижада бугунги кун талабларига мос, тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан таъминланган, аҳолимизнинг тинч ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай ёвуз кучга муносиб зарба беришга қодир Қуролли Кучларимиз вужудга келди. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳозир миллий армиямиз сафларида дунёқараши кенг, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, ватанпарвар ўғлонлар хизмат қилмоқда. Улардаги юртга дахлдорлик, халқимизга ва Президентимизга содиқлик ҳисси кўнгилларимизда алоҳида фахр туйғусини уйғотади.

Давлатимиз томонидан биз, ҳарбийларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маиший шароитимизни яхшилашга ҳам ҳамиша устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Буни ҳар биримиз дилдан ҳис қилиб, сезиб турамиз. Президентимиз табригида шу хусусда яна бир карра сўз юритилиб, "Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида аҳамиятга молик вазифа сифатида қараш зарур. Нега деганда, бугунги замонда фақат ижтимоий жиҳатдан яхши таъминланган ҳарбий хизматчилар, шу билан бирга, пухта тайёргарликка эга бўлган, кучли, ҳар томонлама таъминланган Қуролли Кучларгина давлатимиз хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлади", дея таъкидланган. Бундай беқиёс ғамхўрлик, билдирилаётган юксак ишонч зиммамизга катта масъулият юклайди. Келгусида ҳам мустақиллигимизни асраб-авайлаш йўлида фидойиларча хизмат қилишга, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга ваъда берамиз.

**Салтанат ҚОДИРОВА, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" эсдалик нишони соҳибаси, катта сержант:**

— Жамиятда тинчлик, хотиржамлик ҳукм сурсагина, дилдаги эзгу ниятлар рўёбга чиқади. Буни мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Истиқлол даврида бизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган даражадаги ҳаёт тарзига эга бўлиб бораётганимиз муҳим омилларидан бири ҳам осойишталик билан боғлиқдир. Одамларимиз бу жиҳатларни қалбан жуда яхши ҳис қилишади ва берилган бебаҳо неъматларга доимо шукрона келтириб, юрт равнақига ҳисса қўшишга интилишади.

Мен ўзимни энг бахтиёр инсонлардан бири, деб айта оламан. Чунки шарафли касб — ҳарбий соҳада хизмат қилаяпман. Шунга ҳам 15 йилдан ошди. Сира афсусланганим йўқ, аксинча, юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида, озми-кўпми, ўз ҳиссамни қўшаётганимдан фахрланаман. Байрам арафасида "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирландим. Бу мени янада фидойилик билан хизмат қилишга чорлайди.

Бир ўғлим, бир қизим бор. Улар келажакда қайси касбни танлашларидан қатъи назар, Ватанга муносиб фарзанд бўлишади, деган умиддаман.

**Нигора ТОЖИБОЕВА, оддий аскар онаси:**

— Президентимизнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини эшитиб, ўғлим Жаҳонгирнинг ҳам осойишталигимиз йўлида хизмат қилаётган мард, жасур ва фидойи фарзандлар сафида эканидан қалбим яна бир бор ғурурга, ифтихорга тўлди.

Она шундай зотки, ҳамиша болам дейди, унинг тақдирига ҳеч қачон бефарқ бўлолмайди. Очиғи, ўғлимни армияга кузатаётганимизда кўнглимнинг бир четида "Ишқилиб қийналиб қолмасмикин?" деган хавотир ҳам йўқ эмасди. Яқинда у хизмат қилаётган ҳарбий қисмга бориб, шарт-шароитлари билан яқиндан танишгач, хавотирларим беҳуда эканига амин бўлдим. Кўнглим тоғдек кўтарилди. Жаҳонгир келгусида олий ҳарбий билим юртида ўқиб, офицер бўлмоқчи эканини айтганида икки карра қувондим. Ахир фарзандининг ҳаётда тўғри йўлни топиши, эл корига ярайдиган инсон сифатида камолга етиши ҳар қандай ота-онанинг орзуси, бахти-да.

**Боқижон ФАЙЗУЛЛАЕВ, "Жасорат" медали соҳиби, кичик сержант:**

— Байрам табригини катта ҳаяжон билан тингладим ва армиямизнинг суянчи, таянчи, дея эътироф этилган сержантлар таркибида эканимдан беҳад фахрландим. Чиндан ҳам, ўтган давр мобайнида Қуролли Кучларимизнинг қудрати, салоҳияти, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ҳаракатчанлиги, мамлакатимиз осойишталигини таъминлаш қобилияти ошди. Сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлашнинг замонавий талабларга жавоб берадиган тизими яратилди. Президентимиз табригида сержантлар ўртасида командирлик ва етакчилик фазилатларини янада ривожлантириш, улар томонидан жанговар тайёргарликни ташкил этишнинг энг янги шакллари, усул ва услубларининг ўзлаштирилиши, шахсий таркибнинг уларга ишониб топширилган замонавий қуроллар ҳамда ҳарбий техникани моҳирлик билан ишлатиши, шунингдек, бошланғич бўлинмаларда маънавий-ахлоқий муҳит ва тартиб-интизомни яхшилашда сержантларнинг ролини кучайтириш борасидаги ишларни давом эттириш зарурлиги қайд этиб ўтилди. Демак, масъулиятимиз янада ошади. Ана шуни ҳис қилган ҳолда, ўз устимизда кўпроқ ишлаб, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириш йўлидаги ислоҳотлар самарадорлигига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламиз.

# Хом ашёдан тайёр маҳсулот афзал

*"Шаҳрихон милк" масъулияти чекланган жамиятида қиймати 500 миллион сўмлик янги лойиҳа амалга оширилди.*

## Имконият

Бу билан 7200 тонна сутни қайта ишлаш имконияти пайдо бўлди. Ҳозир корхонада қатиқ, пишлоқ, қаймоқ, сметана сингари 7 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

Мазкур жамоа ўтган йили аҳоли дастурхонига 800 тоннадан ортиқ сут ҳамда 60 тоннадан зиёд гўшт маҳсулотлари етказиб берди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА САМАРАДОРЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Дастлаб корхонадаги мавжуд ускуналар таъмирланиб, 50 та иш ўрни ташкил этилди. 2008 йилнинг декабрь ойида эса Хитойдан 210 минг АҚШ долларилик инвестиция ҳисобига қуруқ пиллани қайта ишловчи замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Пировардида маҳсулот тайёрлаш ҳажми 1,5 баробарга ошиб, қўшимча 50 та иш ўрни яратилди. Корхонада дастлаб йилига 54 тонна хом ипак ишлаб чиқарилган бўлса, 2009 йилда яна 200 минг АҚШ долларилик инвестиция киритилиб, мавжуд қувватлар янада оширилди. Натижада йилига 75 тонна хом ипак ишлаб чиқариш имконияти туғилди. Ҳозир бу ерда бир кеча-кундузда 300 килограмм шундай маҳсулот тайёрланмоқда.

Эътиборли жиҳати, ўтган йили корхонада тайёрланган 736 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспортга жўнатилди.

— Ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти талаблари асосида иш юритиш ниҳоятда муҳим, — дейди корхона раҳбари Аҳмаджон Худойберганов. — Аввало, маҳсулот сифатига эътибор қаратиш, буюртмаларни вақтида бажариш, аниқ ҳисоб-китоб олиб бориш лозим. Бунда техника ва технологияларнинг замонавийлиги, меҳнат унумдорлиги юқорилиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу орқали рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш ва даромад орттириш мумкин. Биз масаланинг ушбу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиб, келгусида корхонамизда модернизациялаш ишларини босқичма-босқич давом эттирамиз.

Дарҳақиқат, "Хоразм ипаги" ривожланиш йўлидан дадил одимламоқда. Замонавий дастгоҳлар қўл меҳнатини камайтириб, жамоа манфаатдорлигини ошираяпти.

— Пилладан хом ип олиш осон жараён эмас, — дейди корхона ип йигирувчиси Нигора Матназарова. — Ҳамкасбларим бу ишнинг устаси бўлиб кетишган. Мавжуд дастгоҳлар компьютерлаштирилган бўлиб, унумли меҳнат қилишимиз учун барча шароит яратилган. Маошимиз яхши.

Корхона жамоасининг келгусидаги режалари бисёр. Вилоятда етиштириладиган пилланинг 100 фоизини қайта ишлаб, четга кўпроқ маҳсулот экспорт қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш шулар жумласидандир.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** корхона фаолиятидан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# Қурилишбоп материаллар кўпаяди

*Музработ туманидаги "Музработ" корхонасида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган тураржойлар учун томёпқичлар тайёрлаш ўзлаштирилди.*

## Изланиш

Шу билан бирга, бу ерда йилига 100 минг кубметр шағал ва қум саралаш қувватига эга технологик линия ҳам ишга туширилди. Ушбу лойиҳа корхонанинг 100 миллион сўмлик маблағи ҳамда банкнинг 500 миллион сўмлик кредити эвазига молиялаштирилди.

Ўтган йили туманда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 8 та ана шундай лойиҳа амалга оширилди.

**Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 17 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1854,29 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2762,40 |
| 1 Дания кронаси | 306,93 |
| 1 БАА дирҳами | 491,29 |
| 1 АҚШ доллари | 1804,31 |
| 1 Миср фунти | 298,97 |
| 1 Исландия кронаси | 14,37 |
| 1 Канада доллари | 1764,26 |
| 1 Хитой юани | 285,72 |
| 1 Малайзия ринггити | 573,34 |
| 1 Польша злотийси | 516,51 |
| 1 СДР | 2757,89 |
| 1 Туркия лираси | 967,87 |
| 1 Швейцария франки | 1891,51 |
| 1 евро | 2301,37 |
| 10 Жанубий Корея вони | 15,65 |
| 10 Япония иенаси | 234,84 |
| 1 Россия рубли | 57,13 |
| 1 Украина гривнаси | 225,83 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## Дунё нигоҳи

*Ўзбекистонда нефть-газ тармоғи тез суръатлар билан ривожланмоқда. Республика табиий газ қазиб олиш ва уни транспортировка қилиш бўйича етакчи мамлакатлардан биридир. Энергетика мамлакат иқтисодиётининг ўта муҳим тармоқларидан бири бўлиб қолаётир. Россияда сиёсий ва ишбилармон доиралар учун нашр этиладиган "Наша власть: дела и лица" номли ойлик журналнинг махсус сонида эълон қилинган мақолада ана шулар ҳақида фикр юритилади.*

# БУЮК ИПАК ЙЎЛИ АНЪАНАЛАРИ

"Буюк Ипак йўли анъаналари давом этмоқда" сарлавҳали мазкур мақолада мустақилликнинг илк кунларидан Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти узоқ муддатли хориж сармояларини жалб қилиш учун энг қулай шароит ва кафолатларни яратишга алоҳида эътибор қаратаётгани қайд этилган. "Шу йиллар мобайнида давлат ишончли ҳамкор, бой минерал-хом ашё ресурсига, ривожланган транспорт инфратузилмасига эга бўлган, режа асосида хорижий сармоядорлар учун имтиёз ва қулайликлар тизимини такомиллаштираётган салоҳиятли шерик сифатида ўзини намоён этди".

Нашр "табиий газ, кўмир, уран рудалари захиралари, гидроэнергия ва бошқалар мамлакатнинг асосий энергетика ресурслари ҳисобланиши" ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистон 2011 йилнинг октябрида Халқаро газ иттифоқига аъзо бўлиб киргани ва бундан кўзланган мақсад газ саноатининг техникавий ҳамда иқтисодий ўсишига кўмаклашиш билан изоҳланишини қайд этади. "Республика ушбу иттифоқ аъзоларидан талаб қилинадиган барча зарур мезонларга жавоб бериши эътироф этилди", дея ёзилади журналда.

Шунингдек, мақолада Ўзбекистон газдан ташқари автомобиль, олтин, уран рудаси, минерал ўғитлар, металл, тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилиши ҳам таъкидланади. "Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо шериги бўлиб қолмоқда. Республиканинг 2011 йилнинг 9 ойи мобайнидаги товар айланмасида унинг ҳиссаси 24,3 фоизни ташкил қилди. Ўзбекистон билан иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга нафақат Россия, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа мамлакатлари ҳам катта қизиқиш билдирмоқда".

Юртимизнинг иқтисодий жиҳатдан ўсиши жараёнларини таҳлил этар экан, нашр Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) ўтган йил ноябрь ойидаги Ўзбекистонга миссияси якунларига оид баёнотига таянган ҳолда, "Кейинги беш йилда мамлакатда ялпи ички маҳсулот ўсиши суръати ўртача 8,5 фоизни ташкил қилгани ва бу Ўрта Осиё мамлакатларидаги кўрсаткичдан юқори" эканлигини алоҳида таъкидлайди. "Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг эътирофича, Ўзбекистон глобал молиявий-иқтисодий инқирозни муваффақиятли енгиб ўтди ҳамда мамлакатда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнлари давом этмоқда", дея ёзилади журналда.

Бундан ташқари, мақолада 2011 йил декабрида Жаҳон банкининг Директорлар гуруҳи кенгаши Ўзбекистон билан шериклликнинг янги стратегиясини маъқуллагани ҳам қаламга олинган. Хусусан, "Бу стратегия Ўзбекистонга Жаҳон банки гуруҳининг 2012 — 2015 молиявий йилларига мўлжалланган ёрдами дастурини шакллантиради".

Шунингдек, мақолада республикамиз ҳукуматининг ўзбек халқининг кўп асрлик тарихини, унинг маданий ва маънавий меросини қайта тиклаш, мамлакатимизга чет эллик сайёҳларни жалб қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш юзасидан кўраётган чора-тадбирлари ҳам батафсил ёритилган. "Ўрта Осиё минтақасининг юрагида жойлашган Ўзбекистон қадим замонлардан буён Шарқ ва Ғарб ўртасида кўприк вазифасини бажариб келгани ҳолда, ҳақли равишда "Буюк Ипак йўлининг ганжинаси" деб аталади. 2011 йили Ўзбекистон БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Ижроия кенгаши аъзолигига сайланди. Мамлакат сайёҳлик марказлари — Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабздаги кўплаб тарихий ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган", дея қайд этилади Россияда сиёсий ва ишбилармон доиралар учун нашр қилинадиган "Наша власть: дела и лица" номли ойлик журналнинг махсус сонида чоп этилган мақолада.

**«Жаҳон» АА.**
Москва

## Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси













ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг

СУЮЛТ. ГАЗ 880,0 ▲ +9,4 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 241,7 ▼ -0,8 | УН биринчи нав 653,5 ▼ -2,7 | ОМИХТА ЕМ 333,5 ▼ -33,4

## Иш ўринлари қисқартирилади

***Швейцариянинг “Novartis” фармацевтика компанияси жорий йилда ходимлар сони икки минг кишига қисқартирилишини билдирди.***

Муассаса маъмуриятининг бундай қарорга келишига гипертонияга қарши “Diovan” препаратини ишлаб чиқариш учун олинган патент муддати тугаётгани сабаб қилиб кўрсатилаётир.

“Novartis” шу орқали 450 миллион АҚШ доллари миқдоридаги харажатларни тежаб қолишни режалаштирмоқда.

## Мақсад – сарф-харажатни камайтириш

***“Air France-KLM” (Франция/Нидерландия) авиакомпанияси яқин уч йил ичида бир миллиард евро миқдорида харажатларни тежашни мўлжалламоқда.***

Бу ҳақда “Euronews” телеканали хабар тарқатди. Муассаса бунга ходимлар иш ҳақларини оширмаслик ҳамда техник базани мустаҳкамлашга йўналтириладиган маблағларни камайтириш орқали эришмоқчи.

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Ҳеч кимга зарар етмади

***Япониянинг “Japan Airlines” авиакомпаниясига тегишли “Боинг-777” самолёти парвоз вақтида юзага келган муаммо туфайли зудлик билан аэропортга қайтишга мажбур бўлди.***



Маълумотларга кўра, лайнер ҳавога кўтарилган вақтда унинг салонида ёнғин юз берган. Аниқланишича, ўт ўша ерда топилган сигарет ёндиргичдан келиб чиққан. Ҳозирча ушбу буюм кимга тегишли экани номалумлигича қолмоқда. Ёнғиндан ҳеч кимга зарар етмаган.

“Франс-пресс” ахборот агентлиги хабарига кўра, воқеа юз берган вақтда самолётда 260 нафар йўловчи бўлган.

Бундай ҳодиса авиакомпаниялар фаолиятида биринчи бор кузатилаётгани йўқ. Масалан, 2009 йилда “Нью-Йорк — Цюрих” йўналишида парвоз қилаётган самолёт ҳожатхонасида ёнғин чиққани учун Канаданинг Галифакс шаҳрига фавқулодда қўндирилганди.

***Италия қирғоқларида “Коста Конкордиа” дея номланган йирик саёҳат кемаси ҳалокатга учради.***

## Кема ҳалокатга учради

Кўнгилсизлик юз берган вақтда ушбу сув транспорти воситасида 3200 нафар йўловчи ва мингдан зиёд экипаж аъзоси бўлган. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳодиса оқибатида олти киши ҳаётдан кўз юмган, олтмишга яқин киши турли даражада тан жароҳати олган. Ўн олти нафар одам эса бедарак йўқолган.

Аниқланишича, экипаж аъзоларининг хатоси кема ҳалокатига сабаб бўлган. Шу боис унинг капитани Франко Скеттино ҳибсга олинган. У хавфсизлик қоидаларига риоя этмагани ва бир нечта одамнинг ҳаётига зомин бўлганликда айбланмоқда.



**Швейцария миллий банки 2011 йилни даромад билан якунлади.**

## Даромад кўрди

Яъни ушбу молия муассасаси ўтган йилда 13 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ишлаб топган. Шундан 5 миллиарди дунё бозорида олтин баҳосининг ошиши боис қўлга киритилган.

Эътиборли жиҳати, 2010 йилни мазкур банк 20 миллиард АҚШ доллари миқдорида иқтисодий зарар билан якунлаганди.

Экспертлар қитъада кузатилаётган иқтисодий беқарорлик вақтида Швейцария миллий банки томонидан қайд этилган ушбу ҳолатга ҳавас қилса арзигулик натижа, дея баҳо беришди.

## Эътирозга сабаб бўлди

***“Standard & Poor`s” рейтинг агентлиги евроҳудудга кирувчи тўққизта мамлакатнинг кредит рейтингини пасайтирганини маълум қилди. Булар Австрия, Франция, Италия, Испания, Мальта, Словакия, Словения, Кипр ва Португалия давлатларидир.***

Изоҳланишича, ушбу мамлакатлар минтақада иқтисодий барқарорликка эришишда етарлича ташаббус кўрсатмаётир.

Табиийки, бу Европа Иттифоқи вакиллари ўртасида жиддий эътироз уйғотди. Жумладан, ташкилотнинг молиявий масалалар бўйича комиссари Олли Рен ҳозир минтақада иқтисодий инқироз талафотларини бартараф этишга қаратилган барча зарур чоралар кўрилаётганини қайд этиб ўтган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

***Мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланиши ва аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишида молия-банк тизимининг ўзига хос ўрни бор. Нега деганда, тижорат банклари бугунги кунда иқтисодий-ижтимоий соҳаларни молиявий қўллаб-қувватловчи асосий муассасаларга айланган. Очиқ акциядорлик тижорат “Алоқабанк”нинг Жиззах филиали фаолияти бунга мисол бўла олади.***

# МИЖОЗЛАР МАНФААТИ – УСТУВОР

Мазкур филиал жамоаси иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини молиялаштиришга жиддий эътибор қаратаяпти. Банкда мижозлар учун барча шарт-шароит яратилган бўлиб, малакали ишчи-ходимлар юқори сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларнинг маслаҳатлари тадбиркорлик фаолиятини энди бошламоқчи бўлганларда ғайрат-шижоат, банкка нисбатан эса ишонч ҳиссини уйғотаяпти. ОАТ “Алоқабанк”и Жиззах филиалининг мижози бўлганим учун бунга ўз фаолиятимда кўп бор гувоҳ бўлганман.

Ушбу филиалда банк хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш мақсадида “Тадбиркорлар хонаси” очилган. Бу ерга ташриф буюрган мижозларни малакали ходимлар кутиб олиб, уларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берадилар, шунингдек, йўл-йўриқлар кўрсатадилар. Бундан ташқари, “Тадбиркорлар хонаси”да соҳага оид тегишли қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами, зарурий жиҳозлар (компьютер, принтер, телевизор, факс) мавжуд. “Тадбиркорлар бурчаги” ҳам ташкил этилгани биз, мижозлар учун янада қулайлик яратмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурига мувофиқ, фаолиятимизда қўлланилаётган янги имтиёзлар ўз самарасини бериб, мазкур соҳа бугунги кунда, ҳақиқатан ҳам, иқтисодиётнинг асосий бўғинига айланди. Жойларда кўплаб кичик корхоналарнинг фойдаланишга топширилиши натижасида рақобатбардош маҳсулотларнинг тури ва ҳажми кўпайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлаяпти. Албатта, бу каби инвестициявий лойиҳалар рўёбида тижорат банкларининг молиявий кўмаги беқиёсдир.

Бизнинг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамизни ташкил этишда ҳам ОАТ “Алоқабанк”и Жиззах филиалидан ажратилган 719 миллион сўм миқдоридаги кредит қўл келди. Шунинг ҳисобига хориждан йилига 2 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технологик линия олиб келиб ўрнатдик.

Жамиятимиз фаолият кўрсата бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмаган эса-да, маҳсулотларимизга нафақат вилоятимизда, балки республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам талаб ортиб бораяпти. Харидорлар эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ишчилар сонини кўпайтириш пайидан бўлаяпмиз. Ҳозирги кунгача 120 та иш ўрни яратилган бўлиб, уларга, асосан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари жалб этилган.

Қўлга киритилаётган муваффақиятларимизда ОАТ “Алоқабанк”и Жиззах филиалининг молиявий кўмаги катта экан, биз бундан кейин ҳам ушбу жамоа билан ҳамкорликда эзгу лойиҳаларни амалга оширишга ҳаракат қилаверамиз.

**Мусурмонқул НАРЗИҚУЛОВ,**
**«AZIZ» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.**

## Замонавий иссиқхоналар

***Карманалик тадбиркор Ориф Каримов 1 миллиард 350 миллион сўм сарфлаб, уч гектар майдонда қўшимча иссиқхона ташкил этди.***

**Интилиш**

У раҳбарлик қилаётган “Муҳаббат боғи” корхонаси тасарруфидаги 6 гектарлик иссиқхонада ўтган йили 298 миллион сўмлик ёз неъматлари етиштирилиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинди. Эътиборлиси, бу майдонда мўътадил ҳароратни таъминлаш учун Навоий иссиқлик электр станциясидан чиқаётган иссиқ сув ва буғдан самарали фойдаланилмоқда.

Таъкидлаш керакки, сўнгги уч йил ичида 154 гектар майдонда ана шу тизим асосида иситиладиган 126 та иссиқхона барпо этилди.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**• Реклама ва эълонлар •**

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

«Capital Realtor Group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2012 йил 30 январь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилган:

**Жомбой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан такрорий савдога** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 30 майдаги 10-1114/2873-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жомбой тумани, Н. Эсонтурдиев номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган, «Моҳинур-ХИФ» ХТИЧФга тегишли АЁҚШ бино ва иншоотлари. Умумий майдони — 267,1 кв.м., фойдали майдони — 263,79 кв.м., АЁҚШ, фитобар, ҳожатхона биноси, айланма девор, айвон, 3 хонали устахона, 1 хонали устахона, 3 та колонка, 3 та резервуар ва ҳовуздан иборат.

***Бошланғич баҳоси — 297 350 400 сўм.***

**Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан такрорий савдога қўйилган:**

**1.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК-1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Мир Саид Барака кўчасида жойлашган 21-уй жойнинг 34/100 қисми. 2 қаватдан иборат, қурилиш ости майдони — 351,11 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 291 962 475 сўм.***

**2.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК-1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, С. Айний кўчаси, 4-уйда жойлашган 2 қаватли «РАИС БОБО» ресторани. 2007 йилда қурилган, умумий ер майдони — 1709,55 кв.м., қурилиш ости майдони — 822,67 кв.м., фойдали майдони — 1454,35 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 545 591 619 сўм.***

Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган кўчмас мулк объектларининг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 20 февраль куни соат 11.00 да ўтказилади.

Мазкур кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

71R/1192

**Мурожаат учун манзил: Самарқанд ш., Мирзо Улуғбек к., 150-уй, 3-қават. Тел.: (8-366) 234-06-38.**

*Лицензия RR-0017.*



## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2012 йил 15 февраль куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилган:

**Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган:**

**1.** Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти, Зангиота туманлараро судининг 2011 йил 12 сентябрдаги 111848/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, И. А. Инамовга тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчасидаги буюм бозорида жойлашган, умумий майдони 24,0 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси.

***Бошланғич нархи — 35 203 000 сўм.***

**2.** Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти, Зангиота туманлараро судининг 2011 йил 12 июндаги 1-9203-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ф. Акбаровга тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Эски қовунчи» ҚФЙ, 55-разъезд кўчасида жойлашган, умумий майдони 755,83 кв.м., фойдаланиш майдони 261,51 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси.

***Бошланғич нархи — 65 000 000 сўм.***

**3.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 22 августдаги 11-1125/11183-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «AKROMJON AGROLYUKS» ХКга тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «А. Ортиқов» ҚФЙ, «Дўстлик» ДФХУда жойлашган, умумий майдони 3 252 кв.м., жами фойдаланиш майдони 903,83 кв.м. бўлган чорвачилик фермаси бино ва иншоотлари.

***Бошланғич нархи — 500 000 000 сўм.***

**4.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 21 июлдаги 11-1125/11184-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «HAYRIDDIN OIL PLYUS» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ц-5 даҳаси, 40-уй, 6-хонадонда жойлашган, умумий майдони 65,98 кв.м.дан иборат, икки даҳлизли, ошхона, ҳаммом, ҳожатхона ва айвонлар мавжуд бўлган, жиҳозлар деворга бириктирилиб таъмирланган, кўп қаватли бинода жойлашган уч хонали нотураржой.

***Бошланғич нархи — 240 000 000 сўм.***

**Оҳангарон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган:**

**1.** Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти, Оҳангарон туманлараро судининг 2011 йил 25 апрелидаги 1689-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «HURSHID INVEST» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 0,7882 гектар, фойдаланиш майдони 1594,80 кв.м. бўлган бино ва иншоотлар.

***Бошланғич нархи — 140 000 000 сўм.***

**2.** Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти, Оҳангарон туманлараро судининг 2011 йил 25 апрелидаги 1689-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Р. К. Бувабековага тегишли, Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, 2-даҳа, 2-уй, 3-хонадонда жойлашган, фойдаланиш майдони 63,2 кв.м. бўлган нотураржой.

***Бошланғич нархи — 13 000 000 сўм.***

**3.** Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти, Оҳангарон туманлараро судининг 2011 йил 25 апрелидаги 1689-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «HUSHNUDBEK ZAMIN FAYZ» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Озодлик» ҚФЙ, Эйвалек қўрғонида жойлашган, умумий майдони 0,2617 гектар, фойдаланиш майдони 359,86 кв.м. бўлган колбаса цехи бино ва иншоотлари.

***Бошланғич нархи — 100 000 000 сўм.***

**4.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 25 январдаги 1027/25350-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «SAHOBIDDIN OHANGARON SAVDO» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Озодлик» ҚФЙ, Эйвалек қўрғонида жойлашган, умумий майдони 313,74 кв.м. бўлган чорвачилик фермаси савдо дўкони биноси.

***Бошланғич нархи — 58 125 000 сўм.***

***Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган кўчмас мулк объектларининг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 1 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Мазкур кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

72R/1192

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.**

*Лицензия RR-0017.*



**Корхона, ташкилот ва хўжалик раҳбарлари ҳамда фуқаролар диққатига!**

## Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Alfa Dominanta» инжиниринг компанияси

**Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларига тухум ва парранда гўшти етиштиришга мўлжалланган паррандачилик фермалари ҳамда хонадонларда товуқ боқиш билан шуғулланувчи фуқаролар учун КБЭ русумли қафас батареялари ва бошқа жиҳозларни етказиб бериш имкониятига эга.**

КБЭ қафас батареялари паррандачилик фермалари ва томорқа хўжаликларида интенсив равишда тухум етиштириш учун энг қулай қурилмалардан ҳисобланади. Товуқхонанинг ўлчамларига ҳамда мижозларнинг хоҳишига қараб, турли хилда жойлаштирилиши ва жиҳозланиши мумкин. Енгил ва мустаҳкам, ташқи таъсир ҳолатларига чидамли конструкцияга эга бўлиб, кам жой эгаллайди ҳамда мавжуд бино ва иншоотларни иситиш, совитиш, ҳаво алмаштириш жараёнлари учун харажатларни кескин камайтириш имконини беради.

| Қафас батареяси русуми | Парранда сони | Ўлчамлари, м. | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Баландлиги | Эни | Узунлиги |
| КБЭ-56 | 56 | 0,9 | 1,25 | 2,8 |
| КБЭ-112 | 112 | 1,3 | 1,35 | 2,8 |
| КБЭ-168 | 168 | 1,75 | 1,45 | 2,8 |
| КБЭ-224 | 224 | 2,1 | 1,45 | 2,8 |



**Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 17-уй.**
**Телефон: (+99871) 244-01-93. Факс: (+99871) 244-04-56.**

74R/44



## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

*бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2010 йил 4 мартдаги 2-036-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор даҳаси, 59-уй, 16-хонадон манзилида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 57,55 кв.м. бўлган, 2 та яшаш хонаси, даҳлиз, ошхона, ҳожатхона, ҳаммомдан иборат уй-жой арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 53 882 802 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 3 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 1 февраль куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:**
**Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52.**

73R/1441

*Лицензия: RR-0001.*



## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

*қуйидагиларни маълум қилади!*

Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб, «Халқ сўзи» газетасининг 2011 йил 24 декабрдаги 248-сонида чоп этилган хабарнома билан «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли (аввалги Г. Узоқов) кўчаси, 2-уй, 4-хонадон манзилида жойлашган уй-жой аукцион савдоси вақтинча тўхтатилганлигини маълум қилади.

***Асос:*** Олмазор тумани СИБнинг 2012 йил 3 январдаги 21450/27-сонли хати.

**Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-80-26.**

76R/1441

*Лицензия: RR-0001.*





САНОАТ МОЙИ И-20А 910,0 ▲ +135,6




МОТОР МОЙИ М14 В2 1320,0 ▼ -128,0




БЕНЗИН АИ-80 2631,2 ▼ -236,7




ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ 2898,7 ▼ -97,8

# ТАШАББУС ВА САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР

Макроиқтисодиётимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида банклар ишини янада такомиллаштириш, молия муассасаларини ишлаб чиқариш тармоғига ва ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашга жалб этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган, замонавий банк тизимини шакллантиришга, уни ҳар қандай мезонларга мос равишда ривожлантириш ва эркинлаштиришга, унинг мамлакат пул-кредит сиёсатидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар бундай вазиятда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Капитал ва активлар ҳажми жиҳатидан Ўзбекистонда йирик банклардан бири бўлган «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки ўз фаолиятини тобора кенгайтирмоқда. Банк жамоаси иқтисодиётнинг барча тармоқлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш мақсадида кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва ажратилаётган маблағлар ҳажмини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бунда **«Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун»** деган тамойил муҳим аҳамият касб этаяпти. Ҳозирги кунга келиб «Асака» банки жами активлари 3,5 триллион сўмга, жами капитали 488,7 миллиард сўмга етказилгани ана шундан далолат беради.

*«Асака» банки томонидан йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига ижобий шарт-шароитлар яратилаяпти. «Асака» банки жамоаси «Асака банки — Тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи» шиори остида иш олиб бормоқда.*

## Тадбиркорларнинг яқин ҳамкори

2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан эса «Асака» банки томонидан **«2011 йилнинг энг яхши лойиҳаси»** ва **«Энг яхши қишлоқ лойиҳаси»** танловлари ўтказилди. Танлов шартлари оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ёритиб борилди. Унда қатнашиш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва республикамизнинг барча вилоятларидаги кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларидан кўплаб аризалар келиб тушди ва Ишчи гуруҳи аъзолари томонидан уларнинг барчаси батафсил ўрганиб чиқилди. Бунда асосий эътибор тақдим этилган лойиҳалар бўйича янгидан яратилаётган иш ўринлари сонига, узоқ ва бориш қийин бўлган ҳамда меҳнат ресурслари зич жойлашган туманлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган лойиҳаларига қаратилди. Танлов голиблари имтиёзли шартларда кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича «Асака» банки томонидан 2011 йилда 420,0 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши режалаштирилган эди. Амалда банк томонидан 454,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 13 минг нафардан зиёд иш ўринлари яратилди. Ажратилган кредитлар юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил қилишга, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология ва бошқа илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга асосланган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

*Банк тизими мустақиллик йилларида ишбилармон ва тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори эканлигини намойиш этди. У қисқа муддат ичида миллий иқтисодиётнинг мустаҳкам таянчига айланиб, юртдошларимизнинг ишончига сазовор бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган «Асака» банки ҳам мазкур тизимнинг муҳим ва етакчи қисмидир.*

## Халқаро рейтинг даражаси «Барқарор»

Дастлаб «Асака» банки республикамизда саноатнинг автомобилсозлик тармоғи вужудга келишида ва унинг жадал ривожланишида асосий молиявий ҳамкор сифатида иш бошлаган бўлса, ҳозирги кунда турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидаги мижозлар доирасини кенгайтиришга эришди. Айни пайтда банк томонидан 30,3 минг нафар юридик ва 1 040,8 минг нафар жисмоний шахсларга турли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Банк кенг турдаги анъанавий ва замонавий хизматларни кўрсатувчи универсал молия-кредит муассасаси сифатида республикамиз ва хорижда алоҳида эътироф қозонган. Бугунги кунда банк 26 филиали, 112 минибанки, 1338 жамғарма, махсус ва сайёр кассаси орқали банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, банк тизимида «Асака транс лизинг» лизинг компанияси, «Асака инвестмент» ва «Асака менежмент групп» бошқарув компаниялари фаолият юритмоқда.

«Асака» банки томонидан Инқирозга қарши чоралар дастури талабларини бажариш, шу асосда ривожланишга эришиш, инвестицион жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлилик ва барқарорликни, асосий кўрсаткичларнинг илдам ўсишини таъминлаш ҳамда уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказиш орқали рақобатбардош, ички бозор ва экспортга мос маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ҳамда хизматлар кўрсатадиган мижозларга ва хорижий ҳамкорларга сифатли банк хизматларини кўрсатиш йўлида фаол иш олиб борилаяпти. Унинг фаолиятига халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган юқори рейтинг баҳолари шундан далолат беради. Жумладан, жаҳоннинг етакчи ва нуфузли халқаро рейтинг агентликлари саналмиш **«Moody`s Investors Service» ва «Fitch Ratings»** томонидан «Асака» банки фаолиятига юқори рейтинг баҳолари берилди. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида банкларнинг рейтинг кўрсаткичлари даражаси пасаяётган бир пайтда халқаро рейтинг агентликлари томонидан Ўзбекистон банк тизимига юқори рейтинг баҳоларининг берилиши юртимизда банк тизимига бўлган ишонч ошиб бораётганлигидан далолатдир.

Шунингдек, «Асака» банки «Банкиръ» (Украина) журнали томонидан ўтказилган халқаро танловда иштирок этиб, **«МДҲ, Болтиқбўйи, Грузия банклари ичида энг очиқ ва шаффоф банк»**, деб топилди. Бу, ўз навбатида, «Асака» банкининг яна бир бор ишончли банк эканлигини ифодалаб, аҳолининг унга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди, халқаро майдондаги обрўсини бундан-да оширишга хизмат қилади.

***Ҳаётнинг жадал оқими Ўзбекистон банклари олдига янги талабларни қўймоқда. Бу эса доимий равишда кўрсатилаётган хизмат ва маҳсулот турлари кўламини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаб боришни талаб этади. Акс ҳолда, мамлакат молия бозоридаги кескин рақобат шароитида муваффақиятга эришиш ва эгаллаган мавқеини сақлаб туриш жуда мушкул вазифадир.***

## Хизмат турлари кўлами кенгаймоқда



Шу боис «Асака» банки мижозларга кўрсатилаётган хизматларнинг тезкорлигини оширишга, турларини кенгайтиришга ва сифатини янада яхшилашга ҳамда қўшимча қулайликлар яратишга интилмоқда. Жумладан, 35 инфокиоск ва 35 банкомат орқали мижозлар пластик карточка ёрдамида коммунал ҳизматлар, уяли алоқа, интернет бўйича тўловларни амалга ошириш, пластик карточка эгалари, қайси банк эмитенти бўлишидан қатъи назар, ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳолати бўйича маълумотларни олиш, пул маблағларини пластик карточкаларга юклаш имкониятига эгадирлар. Шу билан бирга, «MasterCard» ва «Maestro» халқаро пластик карталари соҳиблари «Асака» банки банкоматларидан нақд пул маблағларини, ўз истакларига кўра, миллий валютамизда (расмий курс бўйича) ёки АҚШ долларида олишлари мумкин. Банк томонидан мижозларга 825,9 минг дона пластик карточка муомалага чиқарилди, 7 863 та терминал ўрнатилди, 6 639 та корхона ва ташкилотда «иш ҳақи» лойиҳалари жорий этилди. 2011 йилда пластик карточкалар орқали амалга оширилган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми 713 миллиард сўмни ташкил қилди. Айни чоғда халқаро пластик карточкалар («MasterCard») орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимини кенгайтириш бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда. Банк томонидан муомалага чиқарилган халқаро пластик карточкалар сони 154,5 минг донага етди. Банкнинг «Asaka Standard» кредит карталари орқали уй-жой-коммунал хизматлари, товар ва хизматлар, олий ўқув юртларида ўқиш учун шартнома тўловлари, тўй-тантаналар ёки дафн маросимларини ўтказиш харажатларини қоплаш ва бошқа маиший тўловларни амалга ошириш мумкин.

«Асака» банки мижозларга хизмат кўрсатишда янги, замонавий ахборот технологиялари ютуқларини жорий этишни мақсад қилган. Жумладан, мижозларга масофадан ахборот хизматларини кўрсатиш соҳасида «SMS-Banking» тури ривожлантирилмоқда. У уяли телефон орқали банк билан матн форматидаги SMS-хабарлари ёрдамида масофадан ахборот хизматларидан фойдаланиш имконини беради. «Банк-мижоз» дастурий комплекси орқали пул-ҳисоб ҳужжатларининг электрон шаклидан фойдаланган ҳолда, мижозларга хизмат кўрсатиш ҳажмини оширишга йўналтирилган ишлар фаол давом эттирилмоқда. Банк ўз мижозларига ҳозирги кун талабига жавоб берадиган «Интернет банкинг» хизмат турини ҳам таклиф этмоқда. Мазкур хизмат тури мижозга ўз уйида туриб, интернет орқали банкда мавжуд бўлган ҳисоб рақамидаги пул маблағларини тасарруф этиш имконини беради. Яъни у коммунал хизматлар ёки бошқа тўловларни хизмат кўрсатувчи ташкилот ёхуд савдо дўконларига бормасдан, ўз уйида интернет орқали амалга ошириши мумкин. Банк томонидан мижозларга инфокиоск ва банкоматлар орқали пластик карталар ёрдамида «кредитларни сўндириш» хизмати жорий этилгани ҳаммага манзур бўлмоқда. Шунингдек, банк мутахассислари томонидан янги хизмат тури бўлмиш «SMS To`lov» тўлов тизими жорий этилди. Ушбу хизмат тури жорий этилиши натижасида мижозлар ўз уяли телефонлари ёрдамида барча коммунал хизматлар бўйича, уяли алоқа учун, интернет-провайдерлар хизмати учун, савдо-сервис корхоналарида товарлар ва хизматлар бўйича тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлдилар.

«Асака» банки томонидан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини муддатли ва жамғарма депозитларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юридик ва жисмоний шахслар учун 143,3 миллиард сўм миқдорида депозит сертификатлари муомалага чиқарилди. Ўтган йилда 15 турдаги янги омонатлар жорий этилди. Ҳозирги кунда аҳолига 85 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонатлар таклиф этилмоқда.

***Иш жойларини юқори билимли ва ҳар томонлама етук ёш мутахассислар билан таъминлаш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг билим савиясини янада ошириш, уларнинг назарий билимларини амалиёт билан боғлаш бўйича «Асака» банки томонидан амалга оширилаётган ишлар ибратли бўлмоқда.***

## Янги давр мутахассислари

Жумладан, «Асака» банки ва Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи ўртасида ўқувчиларнинг «Устоз — шогирд» тизими асосида танишув амалиётлари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш ҳамда ўқув жараёнига юқори малакали банк мутахассисларини жалб қилиш бўйича узоқ муддатли ҳамкорлик шартномаси тузилган бўлиб, илмий-амалий семинарлар, услубий кенгашлар, касблар фестиваллари банк раҳбарияти ва мутахассислари иштирокида ўтказилмоқда.

2011 йилда «Асака» банки раҳбарияти яна бир хайрли ишга қўл урди. Банк томонидан Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежида «Ўқув банки» ташкил этилиб, «Асака» банки ҳисобидан замонавий ўқув ускуналари ва компьютер билан жиҳозланди. Мазкур масканда коллежнинг юқори босқич ўқувчилари банк иши бўйича олган назарий билимларини амалиёт билан боғлаб, ўз билимларини янада оширмоқдалар. Амалий машғулотларни «Асака» банкининг юқори малакали ва тажрибали мутахассислари олиб бормоқда.

Бу ерда ўқувчиларга келгуси иш жойи билан яқиндан танишишга, коллежда олган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлашга имконият яратилди.



*Мухтасар айтганда, «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки жамоаси Президентимиз томонидан эълон қилинган Мустаҳкам оила йилида мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини, шу жумладан, оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш бўйича фаол ишларни олиб боради.*

**Банк Ахборот хизмати.**

***«Асака» банки бутун фаолияти давомида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлашга ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.***

## АНИҚ МАҚСАДЛИ САРМОЯЛАР

Иқтисодиётнинг турли жабҳаларида фаолият юритаётган ишбилармонлар ва тадбиркорлар «Асака» банкининг молиявий кўмаги ёрдамида саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуникация, маиший хизмат ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширдилар. Банк томонидан кредитлаш ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг мукаммал механизми ишлаб чиқилган. 2011 йил давомида кредит қўйилмалари ҳажми 38,3 фоизга ўсиб, 1,6 триллион сўмни ташкил қилди. Бунинг натижасида 26 минг нафарга яқин иш ўринлари яратилди. Инвестицион кредитлар ҳажми 1,1 триллион сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, банк томонидан 158 та инвестицион лойиҳани молиялаштириш учун 431,6 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган Қарорга биноан эса, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар умумий ҳажми 442,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадида, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга доир лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида 17 миллиард сўм миқдорида кредитлар берилди.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, бу борадаги ишларни янада чуқурлаштиришни рағбатлантириш, экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тармоқлараро ва ички тармоқ саноат кооперациясини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш ва унинг моддий фаровонлигини ошириш мақсадида банк томонидан 200,5 млрд. сўм миқдоридаги 18 та инвестицион лойиҳа молиялаштирилди.

Банк томонидан 50 та лойиҳа бўйича 26,9 миллиард сўм миқдорида лизинг хизматлари кўрсатилди. Банк лизинг портфели ҳажми 88,3 миллиард сўмни ташкил қилди. Банк лизинг портфели саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, қурилиш, ижтимоий соҳа ва бошқа тармоқлар бўйича диверсификациялаштирилган.

Мамлакат иқтисодиётининг янада ўсиши ва мустаҳкамланиши омилларидан бири — бу иқтисодий ночор ҳамда банкрот деб эълон қилинган корхоналар фаолиятини жонлантириш, уларга молиявий кўмак бериш орқали ушбу корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантиришдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу соҳада дастуриламал бўлмоқда. Банклар томонидан иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш бўйича кўрилаётган чоралар молия соҳасидаги новаторлик ҳисобланиб, мазкур фаолият натижасида банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун банклар томонидан қўшимча инвестициялар киритиш, корхоналарни молиявий соғломлаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва замонавий бошқарув усулларини татбиқ этиш, шунингдек, янги иш ўринларини яратишга имкон яратилмоқда. Айтиш жоизки, «Асака» банки бу борада маълум ютуқларга эга. Жумладан, банк балансига қабул қилинган 45 та банкрот корхонанинг 39 таси янги сармоядорларга сотилди. 15 та банкрот ишлаб чиқариш қуввати негизида банкнинг 13 та шўъба корхонаси ташкил қилинди. Банк тасарруфига қабул қилинган банкрот корхоналар мулки хатланди, технологик асбоб-ускуналар техник кўрикдан ўтказилди, таъмирланди, янги эҳтиёт ва бутловчи қисмлар ўрнатилди. Инженерлик, электр ва газ тармоқлари қайта тикланди. Ташкил этилган банк корхоналарига жами 89,3 миллиард сўм миқдорида инвестициялар киритилди. Корхоналарни бошқариш учун юқори малакали ва тажрибали менежерлар ҳамда хорижий мутахассислар жалб этилди. Ишлаб чиқариш фаолияти тикланган банкрот корхоналарда жами 56,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 12,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинди. 2 900 нафарга яқин иш ўринлари тикланди.





КЎМИР (БПК) 40,3 ▲ +1,0




ШИФЕР (1 лист) 17709 ▼ -1241,0




ПАХТА ЁҒИ 2012,1 ▲ +79,7

Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА КОТИРОВКАЛАР WWW.UZEX.COM САЙТИДА

Нархларнинг белгилари: ▲ + кўтарилган, ▼ - пасайган, сўм/кг

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун ҳафта давомидаги ўртача нархлар UZEX.COM ЎзРТХБ сайтида



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 104 631 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5